Адл ила олам юзин обод қил

Куч–адолатда

2020 йил
3 июль,
жума
№ 21 (794)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 июль куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Владимир Путинни муҳим сиёсий тадбир — Россия Федерацияси Конституциясига тузатишлар киритиш бўйича умуммиллий овоз бериш жараёни муваффақиятли ўтказилгани билан самимий табриклади.

Президентлар фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда Ўзбекистон Республикаси делегациясининг иштироки доирасида Москва шаҳрида ўтган икки томонлама учрашувнинг самарали натижаларини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасида қатъий эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

Бўлажак олий даражали ташрифлар кун тартибидаги масалаларга, шунингдек, коронавирус инфекцияси глобал миқёсда тарқалишининг мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларга салбий таъсирини камайтириш бўйича ўзаро мувофиқлашган чора-тадбирларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот чоғида халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат ҳар доимгидек самимий, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА

ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ушбу устувор масалалар юзасидан ўтган 3 йилда 20 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ислоҳотлар натижасида судлар томонидан илк маротаба 2 минг 273 фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, жиноят йўлига билиб-билмай кирган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмасдан, улар маҳалла ва жамоатчилик кафиллигига олинди. Инсон ҳуқуқларини бузганлиги учун 60 нафар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходими жиноий жавобгарликка тортилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, бундай ўзгаришлар одамларимизда ҳақиқат ва адолатга бўлган ишончни мустаҳкамлоқда. Лекин халқ суд-ҳуқуқ тизимидан рози дейишга ҳали асос йўқ.

Айниқса, Андижон шаҳар ва Чироқчи туман ички ишлар идораларида яқинда содир бўлган фожиали ҳолатлар тизим раҳбарларини уйғотиши, аниқ хулосалар қилишга чорлаши лозимлиги қайд этилди. Ҳозирда ушбу жиноятларга алоқадор 11 нафар ички ишлар ходими қонун олдида жавоб бермоқда. 7 нафар раҳбар лавозимидан озод этилди, яна 16 таси интизомий жавобгарликка тортилди.

Олий Мажлис палаталари етакчилари бошчилигида парламент аъзолари жойларда халқ билан очиқ мулоқот ўтказганда жамоатчилик ушбу йўналишлардаги мавжуд адолатсизликларни очиқ-ойдин баён қилган.

Ушбу тажриба асосида бундан буён депутат ва сенаторлар ўзлари сайланган ҳудудларда судьялар корпуси, сектор раҳбарлари ва жамоатчиликни жалб қилган ҳолда одил судловга кўмаклашиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мунтазам мулоқот ўтказиб борадилар.

Аҳоли томонидан кўтарилган адолатсизлик ҳолатлари ва муаммолар ҳар чоракда маҳаллий кенгашларда танқидий муҳокама қилиниб, мутасаддилар олдига аниқ саволлар қўйилади ва фаолиятига баҳо бериб борилади.

Олий Мажлисдаги махсус қўмиталар ҳар бир ҳудуднинг одил судлов ва коррупция масалаларига оид рейтинги юритилишига бош-қош бўлиб, ҳар ярим йил натижалари бўйича парламент эшитувлари ва текширувларини ўтказиб боради.

Инсон ҳуқуқлари маркази, Омбудсман, Тошкент давлат юридик университетига "Инсон қадр-қиммати — энг олий қадрият" махсус ўқув модули бўйича барча ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбар ходимларини ўқитиш вазифаси юклатилди.

Ҳозирги тергов сифати ва ходимлар малакаси талабга жавоб бермаслиги таъкидланди. Мисол учун, жорий йилнинг 5 ойида тергов органлари асоссиз айб қўйган 323 нафар фуқаро судлар томонидан оқланган, 1 минг 854 нафар шахсга нисбатан қўйилган асоссиз айбловлар олиб ташланган. Ўтган йилнинг ўзида 236 нафар оқланган шахсга давлат ҳисобидан 6,7 миллиард сўмлик моддий ва маънавий зарар тўлаб берилган.

Маълумки, судьялик лавозимини эгаллаш учун муайян иш стажига эга бўлиш, Судьялар олий мактабини ўқиб тугатиш каби талаблар қўйиш орқали танлов кучайтирилди.

Энди терговчиликка номзодларга ҳам шунга ўхшаш талаблар қўйилиши лозимлиги қайд этилди. Жумладан, бир қатор мутасадди идораларга Тергов институтини ташкил этиш, терговчилик касбини эгаллашга мутлақо янги талаблар ишлаб чиқиш, соҳага илғор тажриба ва стандартларни жорий этиш вазифалари қўйилди.

Яна бир муҳим масала — ҳуқуқ-тартибот идораларида ишларнинг терговга алоқадорлиги бузилиб кетган. Хусусан, шундай жиноят турлари борки, уларни ҳар қандай тергов идораси тергов қилиши мумкин бўлса, айрим моддалар эса қайси тергов органига мансублиги қонунда кўрсатилмаган.

Шунингдек, 2018-2019 йилларда биринчи инстанция судларида жами 192 та жиноят иши бўйича 307 нафар шахс оқланган бўлса-да, ҳеч қайси ҳолатда прокурор айбловдан воз кечмаган. Шу боис тергов жараёнидаги хатолар суд мажлисида аниқланса, прокурор суднинг тугашини кутиб ўтирмасдан, ўз ташаббуси билан айбловдан воз кечадиган тартиб жорий этилиши лозимлиги қайд этилди.

— Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак. Бу Президент талаби! — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Бироқ жорий йилда аҳолидан тушган мурожаатларнинг 8 мингдан зиёди ёки 44 фоизида судларда ишлар тўлиқ ва холис кўрилмаётгани, узоқ муддат чўзилаётгани билдирилган.

Яна бир мисол, 2019 йилда иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилган ишларнинг 2,5 мингдан ортиғи, яъни 44 фоизи бекор қилинган ёки ўзгартирилган. Бу ҳар икки шикоятдан бири бўйича туман ва вилоят иқтисодий суди чиқарган қарорлар юқори судда ўзгараётгани, тадбиркор ва инвесторлар сарсон бўлаётганидан далолат беради.

Мутасаддиларга илғор тажриба ва халқаро стандартлар асосида суд тизимини "бир суд — бир инстанция" тамойили асосида қайта кўриб чиқиш топшириғи берилди.

Суд тизимида эскилик сарқити бўлган, ўз номи билан ҳам суднинг мазмун-моҳиятига тўғри келмайдиган "назорат тартибида ишларни кўриш" амалиётидан тўлиқ воз кечилади.

Президент Шавкат Мирзиёев судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишига таъсир ўтказувчи барча омилларни, жумладан, Олий суд раиси ва Бош прокурорнинг протест келтириш ҳуқуқини бекор қилиш таклифини илгари сурди. Парламент палаталари ушбу таклифни кўриб чиқади.

Судлар чиқараётган қарорлар фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиши лозимлиги таъкидланди. Айрим судьялар тергов материалларига боғланиб қолгани, бу эса қонун, суд ва давлат обрўсига путур етказиши қайд этилди. Одил судлов халқнинг кўз ўнгида, очиқ-ошкора амалга оширилиб, адолат қарор топиши лозимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, судга бориш учун айрим туман ва шаҳарларимизда одамларга қулайлик яратиш зарурлиги ҳақида гапирди. Мисол учун, аҳолиси энг кўп туманлардан бири бўлган Ургутда (500 минг киши, 102 та маҳалла) фуқаролик суди йўқлиги сабабли 80 километр йўл босиб, Тойлоқ туманлараро судига борилади.

Шу боис судлар ва уларнинг фаолиятини оптималлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Хусусий мулк қонун ва суднинг кафолатли ҳимоясида бўлиши зарур.

(Давоми 2-бетда) ▶

Оқлов

Эгилган ҳақиқат қаддини тиклади

Риштонлик Рустамжон Тожибоев болалигидан отаси Усмонжон Тожибоев сингари ички ишлар ходими бўлиш ва эл-юрт осойишталиги йўлида хизмат қилишни орзу қиларди. Яхши ният ёрти мол, деганларидек, у 24 ёшида — 2008 йил 5 сентябрда Фарғона вилоят ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси қошидаги аниқ яшаш жойи ҳамда машғулот турига эга бўлмаган шахсларни реаблитация этиш марказига ишга қабул қилинди.

Шундан сўнг Рустамжон тизимда сидқидилдан хизмат қилди. Аммо орадан икки ярим йил вақт ўтгач, 2011 йил февраль ойида унинг бошига жиддий ташвиш тушиб, турли иғво, туҳмат ва тазйиқлар қурбонига айланди.

Аниқроғи, унга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "г" банди билан жиноят иши қўзғатилади. Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2011 йил 6 майдаги ҳукмида қайд этилишича, Рустамжон марказнинг милиционер-сафдор ходими лавозимида ишлаб келгани ҳолда мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, 2010 йил ноябрь-декабрь ойларида ўзига ишониб топширилган 24 дона жами 238.543 сўмлик чўян панжараларни фуқаро С.Маматовга 100.000 сўмга сотиб юборган.

(Давоми 4-бетда) ▶

"Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак".

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида янграган бу таъкид соҳага оид бугунги куннинг барча талабларини ўзида мужассамлаштиради.

Инсоният адолатли ҳаёт тарзига, умр йўлларида ҳақиқат қарор топишига ҳамиша ташна. Суд-ҳуқуқ тизими эса, жамиятда қонун устуворлиги, ҳақиқат барқарорлиги ва адолат барҳаётлиги учун масъулдир. Судлар адолатли ҳукмлар чиқарар экан, қонунлар устуворлигини йўқотмайди, ҳақиқат топталмайди, инсонлар эса, хўрланмайди.

Давлат раҳбари томонидан бу борада белгилаб берилган вазифаларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида суд-ҳуқуқ соҳасининг бир қатор мутахассислари, судьялар ва депутатлар ўз фикрларини билдирди.

Одил судловни таъминлаш — адолатли жамият қуришнинг муҳим шарти

Давлатмирза КОМИЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг раиси:

— Давлатнинг қудрати, аввало, унда барча итоат этадиган тартиб-интизом ўрнатилгани, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳар томонлама ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг мавжудлиги ва уларга изчил амал қилиш каби қатор мезонлар билан баҳоланади.

Буюк бобоколонимиз Амир Темур таъбири билан айтганда, давлат агар тартиб асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади.

Шу маънода давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида аждодларимизнинг давлатчиликни шакллантириш борасидаги тажрибалари ҳамда хорижий ибратли амалиётга таянган ҳолда ишлаб чиқилган ва кенг жамоатчилик муҳокамаси натижаларига кўра, 2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси янги Ўзбекистон келажагини барпо этиш йўлида муҳим дастуриламал ҳужжат вазифасини муваффақият билан ўтамоқда. Унинг ижроси доирасида эришаётган ютуқларимиз нафақат юртимизда, балки халқаро майдонда ҳам юксак эътироф этилмоқда.

Куни кеча одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида ушбу устувор масалалар юзасидан ўтган уч йилда йигирмадан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилингани қайд этилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

"Инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилади".

Муносабат

МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯ – ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

инсон ҳуқуқлари масаласига тизимли ёндашишнинг ёрқин намунаси

Ушбу иқтибосни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 22 июнда қабул қилинган **"Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"**ги Фармонидан келтирдик. Бинобарин, Миллий стратегияда инсон ҳуқуқлари масаласига тизимли ёндашиш ва мавжуд бўшлиқларни, камчиликларни бартараф этиш очиқ-ойдин кўрсатилгани ниҳоятда муҳим.

Миллий стратегия қандай тайёрланди?

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тайёрлаш жараёни ҳақида сўз борганда, авваламбор, ушбу вазифа **"2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"**да белгилаб берилганини қайд этиш лозим. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мазкур вазифани самарали ва ўз вақтида амалга ошириш зарурлиги қатъий таъкидланди.

Шу асосда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бунда асосан уч манбага таяндик.

Биринчи манба: миллий тажрибамиз, амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилига асосландик.

Иккинчи манба: илғор хорижий тажриба ҳам эътиборимиздан четда қолмади. Бугунги кунга келиб жаҳоннинг 40 дан ортиқ давлати ўзининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳаракатлар режасини қабул қилган.

Учинчи манба: халқаро амалиёт ҳамда универсал ва минтақавий ҳужжатлар синчковлик билан таҳлил қилинди.

Лойиҳа матни миллий, хорижий ва халқаро ҳамкорлар билан биргаликда кенг муҳокама этилди. Ўтган даврда Миллий стратегия лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун **regulation.gov.uz** сайтига, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг расмий сайтига 2 марта, яъни дастлабки ва таклиф-мулоҳазалар билан такомиллаштирилган вариантлари жойлаштирилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Глобал муаммо

унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолияти мувофиқлаштирилади

Бугун жаҳон сиёсатчилари, олимлар, умуман, башариятнинг эртанги тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон томонидан терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик, геосиёсий тўқнашувлар, экологик муаммолар, моддий ва маънавий инқирозлар қаторида коррупция ҳам энг хатарли воқелик сифатида ташвиш билан тилга олинмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки коррупция жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. Мазкур иллат демократия ва қонун устуворлиги асосларига путур етказади.

Коррупция ислоҳотларга тўсқинлик қилиб, жамият тараққиётини ортга суради. Оқибатда ҳаёт сифати ёмонлашиб, одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисаларнинг илдиз отиши учун шароит юзага келади.

Коррупция хозирги кунда трансмиллий таҳдид сифатида бутун дунё ҳамжамиятига хавф туғдирмоқда. Бу иллатга қарши курашиш масаласи барча давлатларда энг долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, коррупция билан курашиш борасида бир қатор давлатлар ижобий натижаларга эришган. Бу борада Финляндия, Дания, Янги Зеландия, Исландия, Сингапур, Швеция, Канада, Нидерландия, Люксембург, Норвегия, Австралия, Швейцария давлатлари тажрибасини мисол сифатида келтириш мумкин.

(Давоми 4-бетда) ▶

ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Охирги бир ярим йилда судлар томонидан ҳокимларнинг ер ажратиш, бино-иншоотларни бузиш ва хусусийлаштиришга оид 1 минг 730 та қарори бекор қилинган. Суд орқали ер муносабатлари билан боғлиқ мингта, уй-жой бузилишига доир 51 та, хусусийлаштиришга оид 62 та ҳолатда фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқи тикланган.

Хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқишни бекор қилиш, умуман, давлат идораларининг бундай ташаббус билан чиқишига йўл қўймаслик ва бу қонунда мустаҳкамланиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

— Ерга бўлган ҳуқуқлар кафолати кучайтирилиб, мулкий ҳуқуқларни бекор қилиш фақат суд тартибида ҳал этилишини қатъий белгилаш зарур, деди Президент.

Вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари, барча сектор раҳбарлари ўз ҳудудларида ушбу талабларга қатъий амал қилинишини таъминлаши шартлиги қайд этилди.

— Бир нарсани билинглар — сармоя киритаётган инвестор, биринчи навбатда, ўз ҳуқуқлари суд орқали кафолатли ҳимоя қилинишига эътибор беради. Ҳамма раҳбарлар қулоғига қуйиб олсин: суд фаолиятига аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Судьянинг фаолиятига тўсқинлик қилгани ва адолатсиз қарор чиқаришга мажбурлагани учун жавобгарликни кучайтириш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Маълумки, одил судловнинг ажралмас қисми — адвокатура, ушбу институтнинг адолат қарор топишидаги ўрни беқиёс. Ўзбекистонда бугун 4 минг атрофида адвокат фаолият кўрсатиб, ўртача 8,5 минг аҳолига битта шундай мутахассис тўғри келмоқда.

Адвокатларнинг 43 фоизи Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатса, вилоятларнинг 20 та туманида бирорта ҳам адвокатлик фирмаси рўйхатдан ўтмаган.

Адвокатлик фаолиятини бошлаши учун ёш мутахассислардан 2 йил юридик стаж талаб этишни бекор қилиш, талабаликдан адвокат ёрдамчиси сифатида амалиёт ўташ тартибини жорий этиш зарурлиги таъкидланди. Юридик олий ўқув юртларида "адвокатлик фаолияти" мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланади.

Давлат томонидан тақдим этилган адвокат танлашнинг очиқ-ошкора тартиби йўқлиги боис, айрим терговчилар ўзига таниш адвокатларни чақириб, айбланувчига таъсир ўтказиш ҳоллари учраб туради. Масалан, Тошкент шаҳрида давлат томонидан адвокатларга ўтган йили 7 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, ушбу маблағнинг тенг ярми 20 та адвокатлик фирмасига берилган (жами 746 та шундай фирма мавжуд).

Шу сабабли тегишли вазирликларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни электрон танлаш тизимини ишга туширишни топшириғи берилди. Бу дастлаб пойтахтимизда эксперимент тариқасида жорий этилади.

Шунингдек, ўта оғир жиноятда айбланаётган шахсларнинг иши бўйича, ундан ташқари, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқилаётган ҳолатларда ҳам адвокат иштирокини мажбурий этиб белгилаб қўйиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Адвокатлик фаолияти жозибадорлигини ошириш, бу касб эгаларининг ҳимояси ҳамда кафолатини кучайтириш бўйича қонун ҳужжатлари пакети ишлаб чиқилади ва муҳокамага олиб чиқилади.

Суд фаолиятида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бугунги давр талабидир. Жорий йил якунига қадар Олий судда ягона "Адолат" ахборот тизимлари комплексини ишга туширишвазифаси юклатилди.

Бунда барча учун судларга электрон мурожаат қилиш, мурожаатлар ҳолатини онлайн тарзда кузатиш, тарафларга маълумотларни электрон шаклда юбориш имконияти яратилади.

Судлар жорий йилда видеоконференция алоқа тизими билан 100 фоиз қамраб олиниши лозимлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида навбатдаги муҳим масала — коррупцияга қарши кураш борасидаги ислоҳотлар муҳокама қилинди.

Жумладан, 143 та давлат хизматлари электрон шаклга ўтказилиб, 35 та идорада талаб қилинадиган ҳужжатлар сони ва хизмат кўрсатиш вақти 2 ҳисса қисқарди. Бюджет харажатлари, давлат харидлари, ер, бино ва иншоотларни олди-сотди қилиш жараёнларига ошкоралик ва очиқлик тамойиллари жорий этилди.

Маълумки, 29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Коррупцияга қарши курашиш агентлигини ташкил этиш ҳақидаги фармонни қабул қилди.

Агентлик тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари билан бирга қуйидаги вазифаларни амалга оширади.

Биринчидан, барча вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари ўз ҳудудларида, тармоқ раҳбарлари ўз тизимларида Агентлик билан бирга бир ой муддатда Коррупциядан холи дастурини ишлаб чиқади. Бунда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш ҳамда соҳаларни рақамлаштириш энг асосий вазифа бўлади.

Иккинчидан, коррупциянинг олдини олишда таъсирчан парламент ва жамоатчилик назорати йўлга қўйилади. Жумладан, Агентлик коррупцияга қарши курашиш ишларининг ҳолатини таҳлил қилиб, ҳар йили Президент ва Олий Мажлис палаталарига миллий ҳисобот киритиб боради.

Шунингдек, Агентлик кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан бирга аҳоли ва тадбиркорларнинг коррупцияга муносабатини мунтазам ўрганиши ва давлат идоралари фаолиятини баҳолаб бориши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Учинчидан, коррупцияга қарши курашишда кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор берилади. Бунинг учун Давлат бошқаруви академияси ва Тошкент давлат юридик университетида коррупция муаммоларини ўрганиш бўйича алоҳида ўқув модули, махсус кафедра ва магистратура мутахассислиги очилади. Шунингдек, раҳбар ходимлар, айниқса, ҳокимларнинг бу борадаги билим ва кўникмасини шакллантириш бўйича малака ошириш курслари ташкил этилади.

Мутасаддилар йиғилишда муҳокама қилинган масалалар ижросини ташкил этиш юзасидан ахборот берди.

ЎзА

Муносабат

МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯ – ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

инсон ҳуқуқлари масаласига тизимли ёндашишнинг ёрқин намунаси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Муҳокамалар жараёнида 100 дан ортиқ давлат органлари, идоралар ва нодавлат-нотижорат ташкилотларидан 500 дан зиёд таклифлар олинди.

Шунингдек, **Миллий стратегия лойиҳаси юзасидан Женева, Лондон, Москва шаҳарларида брифинглар ўтказилди.**

Лойиҳа бўйича БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий мувофиқлаштирувчиси ҳамда БМТнинг Агентликлари, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий бўлими, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Нагоя университети ҳузуридаги ҳуқуқий алмашинув бўйича Осиё маркази ўз таклиф-мулоҳазаларини тақдим қилди. Миллий стратегия лойиҳаси юзасидан БМТ ва ЕХҲТнинг инсон ҳуқуқлари масаласи бўйича халқаро эксперти **Г.Тугуши** томонидан экспертиза ўтказилди.

Шу маънода Президентимиз ижро этиш учун яқинда тасдиқлаган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси, Фармонда таъкидланганидек, халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамаси, халқаро ва миллий маслаҳатлашувлар натижасида ишлаб чиқилган.

Инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳамкорлик

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Натижада Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик борасида ҳам ривожланишнинг янги босқичига кўтарилгани эътироф этилмоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан **"Маърифат ва диний бағрикенглик"** резолюциясининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу халқаро ташкилотнинг 73-сессиясида илгари сурган ташаббус ҳаётга татбиқ этилганига яққол амалий мисолдир. Бу муҳим ютуқ Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи юксалишига катта туртки берди.

Янги Ўзбекистоннинг ташаббуслари БМТ даражасида қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакатимизга БМТ Бош котиби, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар, БМТнинг Диний эътиқод бўйича махсус маърузачиси ҳамда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачисининг амалга оширган ташрифлари катта аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозирги вақтда **Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан, Бирлашган миллатлар ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига** қўшилган. Ушбу халқаро ҳужжатларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузалар тақдим этиб келинмоқда.

Мамлакатда мазкур халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ривожлантириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Содда қилиб айтганда, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси айнан **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти** Низоми имзоланган тарихий кун арафасида тасдиқланганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор.

Биринчидан, БМТ Низомининг 1945 йил 26 июнь куни имзоланган жаҳон жамоатчилиги учун қанчалик улкан тарихий аҳамият касб этган бўлса, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси халқимиз учун шунчалик муҳим тарихий қимматга эгадир.

Иккинчидан, БМТ Низомида акс этган халқаро принцип ва нормалар ер юзидаги инсонларнинг ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликнинг муҳимлигига таянади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз Низомида тақдим этилган ваколатлари ва ўзининг ноёб халқаро хусусиятидан келиб чиқиб, тинчлик ва хавфсизлик, иқлим ўзгариши, барқарор ривожланиш, инсон ҳуқуқлари, қуролсизлантириш, терроризм, гуманитар ва фавқулодда вазиятлар, гендер тенглик, бошқарув, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби XXI асрда инсоният олдида турган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиши мумкин.

Эътибор беринг: Фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига **Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясини тузиш** тавсия этилган. Шу биргина далилнинг ўзиёқ, фикримизча, Миллий стратегияда белгилаб берилган вазифалар ҳам глобал ҳамкорлик принципига таянишини яққол англатиб турибди.

Ва ниҳоят, учинчидан, БМТ Низоми инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида глобал қўллаб-қувватланган биринчи ҳужжатдир. **БМТ Низоми матнида "инсон ҳуқуқлари" атамаси етти маротаба келтирилгани БМТ фаолиятининг устувор йўналишлари ва асосий тамойилларидан бири инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш эканидан далолат беради.** 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқлари тушунчасини халқаро ҳуқуқ соҳасига киритди. Шундан буён БМТ ўз Низоми доирасида тегишли ҳуқуқий воситалар ва бир қатор аниқ чора-тадбирлар орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги мамлакатимиз позицияси БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидалари, улардан келиб чиқадиган халқаро келишувларга асосланади. Айниқса, Вена декларацияси ва Харакатлар дастури асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси тасдиқлангани мамлакатда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институционал механизмларини яратишнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

Миллий стратегия: мақсади ва вазифалари

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларда белгилаб берилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида ягона ва мувофиқлаштирувчи сиёсатнинг самарали воситаси бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясининг мақсади — Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича изчил олиб борилаётган давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва йўналишларини белгилаб олишдир.

Миллий стратегиянинг қуйидаги **асосий вазифаларини** санаб ўтиш зарур:

биринчи вазифа: мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, умумэътироф этилган халқаро стандартлар ҳамда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларини, шунингдек, БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қонунчиликни такомиллаштириш;

иккинчи вазифа: 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишида парламент ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштириш;

учинчи вазифа: Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар, яъни қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги сифати, ҳукумат фаолияти самарадорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш, бизнесни олиб бориш шарт-шароитлари, глобал рақобатбардошлик, инновацион ривожланиш ва бошқа кўрсаткичлар бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш;

тўртинчи вазифа: инсон ҳуқуқлари бузилишларига барҳам бериш мақсадида, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш ва одил судлов тизими ваколатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар фаолияти учун кенг шароитларни яратиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг миллий тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш;

бешинчи вазифа: шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий сектор фаолиятининг очиқлиги ва ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашувларни ўтказиш амалиётини такомиллаштириш;

олтинчи вазифа: жиноятчиликнинг, айниқса, одам савдоси, коррупция, қийноққа солиш, уюшган ва трансмиллий жиноятчиликнинг олдини олиш ва бу иллатларга қарши курашиш, шунингдек, ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкумларни сақлаш жойлари тизимида одил судловга ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш;

еттинчи вазифа: аҳолининг имконияти чекланган, кам таъминланган гуруҳлари ҳуқуқларини БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг "ҳеч кимни орқада қолдирмаслик" тамойилига мувофиқ ҳимоя қилишни таъминлаш, давлат ва жамиятнинг аҳолида ҳимоясига муҳтож бўлган шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш;

саккизинчи вазифа: дин, сўз ва фикр эркинлиги, маълумот олиш, камситишга йўл қўймаслик, гендер тенгликни таъминлаш, барчанинг сифатли таълим ва тиббий хизматлардан тенг фойдаланиши, кекса одамларнинг ижтимоий интеграцияси, болалар, ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаларида ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш;

тўққизинчи вазифа: оила институтини, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилада зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишни ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан қўллаб-қувватлаш даражасини ошириш;

ўнинчи вазифа: инсоннинг иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш, хусусий мулкчилик ва давлат-хусусий шериклик алоқаларини ривожлантириш;

ўн биринчи вазифа: таълимнинг сифати ва барча даражадаги қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, ўқитиш тизимининг инклюзивлиги ва ундан барчанинг фойдалана олишини таъминлаш;

ўн иккинчи вазифа: инсон ҳуқуқлари соҳасида ахборот-маърифий фаолиятининг сифати ҳамда манзиллилигини яхшилаш;

ўн учинчи вазифа: давлатлараро муносабатларни, халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини уйғунлаштириш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномавий органларнинг тавсияларини сифатли ва ўз вақтида бажариш мақсадида инновацион тамойилларни жорий этиш;

ўн тўртинчи вазифа: БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига Ўзбекистон Республикаси сайланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

Миллий стратегия ва "Йўл харитаси"

Ушбу ўта салмоқли ва қамровдор вазифаларни тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажаришнинг аниқ механизмлари ҳам белгилаб берилди. Яъни Фармон билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясидан ташқари яна иккита муҳим ҳужжат ҳам тасдиқланди.

Биринчиси — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси".

Иккинчиси — БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом.

Шу ўринда Миллий стратегия ва "Йўл харитаси"нинг амалга оширилиши юзасидан асосий масъулият Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига юкланганини қайд этиш лозим. Фармон билан ўрнатилган тартибга мувофиқ, Марказ бу борада:

биринчидан, мунтазам мониторинг олиб бориб, чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича таклиф ва тавсияларни тегишли вазирлик ва идораларга киритиб боради;

иккинчидан, доимий равишда аниқ кўрсаткичлар ва эришилган натижалар акс эттирилган батафсил ахборотни ўз веб-сайтида жойлаштириб боради;

учинчидан, ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган маълумот киритади;

тўртинчидан, ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрланиши, хорижий тилларга таржима қилиниши ва эълон қилинишини таъминлайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, "Йўл харитаси"да белгиланган масъул ижрочилар ўзларига юклатилган вазифалар ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойнинг 5-санасига қадар Марказга тақдим этади. **Миллий стратегия ва "Йўл харитаси"нинг ижро ҳолати юзасидан ҳар олти ойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисларида вазирлик ва идораларнинг ахбороти тингланади.**

Фармонда вазирлик ва идоралар раҳбарларининг Миллий стратегия ва "Йўл харитаси"нинг ижро ҳолати юзасидан ахборотини ҳар чоракда эшитиш ва танқидий муҳокама қилиш зарурлиги кўрсатилган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Миллий стратегия ва "Йўл харитаси"нинг ҳудудлар кесимида ижро этилиши юзасидан ахборотини ҳар чоракда эшитиш ва танқидий муҳокама қилиш тавсия этилди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, **Миллий стратегия доирасида 53 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш, 37 та чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда 8 та халқаро шартномани ратификация қилиш — жами 98 та ҳужжат устида изчил иш олиб бориш белгиланган.**

Яна бир муҳим жиҳат: Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқлари институционал тизимини такомиллаштириш ва уни бажаришнинг мониторинг тизими шаклантирилмоқда.

Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

Одил судловни таъминлаш — адолатли жамият қуришнинг муҳим шарти

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу ҳужжатларнинг самараси судлар томонидан қисқа даврда 2 минг 273 нафар фуқарога оқлов ҳукми чиқарилгани, жиноят йўлига билиб-билмай кириб қолган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизлар жамоатчилик кафиллигига берилганида намоён бўлди.

Бундай ижобий ўзгаришлар фуқаролар ўртасида ҳақиқат ва адолатга бўлган ишончни мустаҳкамлаётган бўлса-да, халқимиз суд-ҳуқуқ тизимидан тўла рози дейишга ҳали асос йўқлиги таъкидлангани бежиз эмас. Чунки яқинда Андижон шаҳар ва Чироқчи туман ички ишлар идоралари ходимлари ўз ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари билан икки нафар фуқаронинг бевақт вафот этишига сабабчи бўлди.

Шунга ўхшаш ҳолатлар ислоҳотларга тўғаноқ бўлаётгани қатъий қораланди. Қайд этилган мудҳиш фожиаларга алоқадор 34 нафар ИИБ ходими қонун олдида жавоб бермоқда. Кейинги даврда ҳуқуқ-тартибот идораларининг 60 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилган.

Йиғилишда тергов сифати ва терговчилар малакаси талабга жавоб бермаслиги, бу йўналишда мактаб шакллантирилмагани, тергов органларида ўттиз йил аввалги методология асосида фаолият олиб борилаётгани танқид қилинди.

Бунинг натижасида жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида тергов органлари томонидан асоссиз айб қўйилган 323 нафар фуқаро судлар томонидан оқланиб, 1 минг 854 нафар шахсга нисбатан қўйилган асоссиз айбловлар олиб ташланган. Ўтган йилнинг ўзида оқланган 236 нафар шахсга давлат ҳисобидан 6,7 миллиард сўмлик моддий ва маънавий зарар тўлаб берилган.

Ислоҳотларга салбий таъсир кўрсатаётган бу каби ҳолатларни бартараф этиш мақсадида мамлакатда тергов институтини ташкил этиб, терговчилик касбини эгаллаш йўналишида бугунги кун талабига мос равишдаги мутлақо янги талабларни жорий қилиш таклиф этилди.

2018-2019 йилларда оқланган 307 нафар шахсга оид 192 та жиноят иши бўйича давлат айбловчилари айбловдан воз кечишмагани ҳам асосли равишда танқид қилинди. Бинобарин, эндиликда айбловдан воз кечиш институтини шакллантириш ислоҳотларнинг асосий мезонларидан бири бўлиб, бу фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ишончини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Фуқаролардан судларда ишлар узоқ муддат кўрилаётгани юзасидан келиб тушаётган мурожаатларнинг сони камаймаяпти. Бу ўз навбатида, судларда ишларни турли инстанцияларда қайта-қайта кўриш амалиётига чек қўйишни тақозо этаётир. Шунинг учун "Бир суд — бир инстанция" тизимини жорий этиб, ишларни назорат тартибида кўриш амалиётини тугатиш тавсия этилди.

Шу билан бирга, ҳар чоракда суд раҳбарларининг оммавий ахборот воситалари орқали одил судлов фаолияти юзасидан ахборот беришлари йўлга қўйилади. Судьялар олий мактабида судьялар ва суд ходимларини сиртқи, кечки, масофавий ўқитиш ташкил этилади.

Гендер тенгликни таъминлаш мақсадида, суд корпусида аёл кадрларни янада кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида видеоконференцалоқа тизимини жорий қилиш, суд мажлисларида аудиоёзишни жорий этиш давр талаби экани алоҳида таъкидланди.

Суд мустақиллигини чин маънода таъминлаш мақсадида судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишларига, суд ишига ҳар қандай шаклда аралашувларга, шунингдек, судьяларни одил судлов фаолияти билан боғлиқ бўлмаган турли хил йиғилиш ва тадбирларга ортиқча жалб қилишга чек қўйиш ҳақидаги фикрлар жуда муҳим. Судьяларни уй-жой билан таъминлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Ушбу вазифаларни бажариш суд корпуси вакилларидан жиддий масъулиятни талаб этади. Биз, барча судьялар онгимизда адолатни кўрғон қилиб, тилимизда фақат ҳақиқатни сўзлаб, дилимизда поклик ва ҳалоллиқни сақлаб, танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарликни фаолиятимизнинг кундалик қоидасига айлантириб, суднинг обрўсини, нуфузини кўтариш йўлида тинимсиз меҳнат қиламиз.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий кенгаши раиси:

— Президентимиз таъкидлаганидек, парламент аъзолари жойларда халқ билан очиқ мулоқот ўтказган пайтда жамоатчилик суд-ҳуқуқ соҳасида ўзлари дуч келган адолатсизликларни очиқ-ойдин баён қилди. Ҳа, биз, депутатлар халқ ичига чуқур кириб борганимиз сайин уларнинг ҳаётларидан тўлиқ бохабар бўлмоқдамиз.

Афсуски, мурожаатларда мансабдор шахслар, давлат идоралари, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятидаги ножўя ҳаракат ва ҳаракатсизликлардан шикоятлар кўп. Уларни биргаликда ҳал қилишга келишиб олдик ва бу билан янги ислоҳотларга дастлабки қадамни қўйдик, десак, муболаға бўлмайди.

Одил судловга кўмаклашиш, тергов жараёнларини шаффофлаштириш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мунтазам равишда мулоқотлар олиб боришни галдаги вазифа сифатида белгилаб олдик. Бинобарин, аҳоли томонидан кўтарилган адолатсизлик ҳолатлари ва муаммолар ҳар чоракда маҳаллий Кенгашларда танқидий муҳокама қилиниши натижа бериши аниқ.

Президент Шавкат Мирзиёев судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишларига таъсир ўтказувчи барча омилларни, шу жумладан, Олий суд раиси ва Бош прокурорнинг протест келтириш ҳуқуқини бекор қилиш таклифини илгари сурди. Ҳозирда фракция аъзолари ҳамда партия экспертлари ушбу таклифни кўриб чиқмоқдалар.

Судьянинг фаолиятига тўсқинлик қилгани ва адолатсиз қарор чиқаришга мажбурлагани учун жавобгарликни кучайтириш масаласи кўтарилгани айни муддао бўлди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сайловолди дастурида суд тизимини комплекс ривожлантириш, судларнинг мавқеини ошириш, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш каби масалалар устувор вазифаларимиз қаторига киритилган. Зеро, мазкур ислоҳотлар адолатли жамият қуришнинг муҳим шартидир.

Президентимиз томонидан адвокатура одил судловнинг ажралмас қисми сифатида тилга олингани жуда ўринли. Бинобарин, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уни муносиб ҳимоя қилишда адвокатура институтининг ўрни ва роли беқиёсдир. Бу борада партиямиз суд жараёнида адвокатура ва прокуратура ҳуқуқларининг тенглик принципини таъминлаш учун курашади.

Видеолселектор йиғилишида ҳам адвокатлар мавқеини ошириш ва фаолиятини мустаҳкамлаш хусусида бир қатор таклифлар берилди. Жумладан, давлат томонидан тақдим этилган адвокатларни танлашнинг очиқ-ошкора тартиби йўқлиги боис, айрим терговчилар ўзига таниш адвокатларни чақириб, айбланувчига таъсир ўтказиш ҳоллари учраб туради.

Бунинг олдини олиш учун эса, тегишли вазирликларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни электрон танлаш тизими ишга туширилади. Судларга электрон мурожаат қилиш, мурожаатлар ҳолатини онлайн тарзда кузатиш, тарафларга маълумотларни электрон шаклда юбориш аҳоли учун қулайлик яратишидан ташқари тизимнинг шаффофлигига, адолат асосий мезонга айланишига хизмат қилади.

Судгача бўлган тергов жараёнлари борки, аҳолининг кўплаб эътирозлари айни шу босқичдан бошланади. Буни биз сайловолди дастурини шакллантириш жараёнларида аҳолидан келиб тушган кўплаб мурожаатлар ва ижтимоий тармоқларда муҳокамаларга сабаб бўлган айрим воқеалар доирасида таҳлил этган эдик.

Тергов жараёнларидаги адолатсизликларнинг кўплиги, тергов якунидан сўнг ҳам тергов идораларининг идоравий манфаатлари сақланиб қолаётгани ва бунинг судьялар дахлсизлигига таъсир этаётгани натижасида сайловолди дастуримизга турли муассасаларда мавжуд бўлган тергов органларини ягона мустақил тергов органига айлантириш ташаббуси киритилган.

Эътиборлиси, мазкур ташаббус кўплаб фуқароларимиздан томонидан қўллаб-қувватланган ва ҳанузгача ушбу ташаббусни тезроқ амалга оширишимизни сўраб, кўплаб мурожаатлар келаётган эди.

Кечаги йиғилишда бу борада ҳам сўз борди. Аҳамиятлиси, Президентимиз томонидан мазкур ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ягона, мустақил тергов органини тузиш тўғрисидаги ташаббус илгари сурилди.

Йиғилишда коррупцияга қарши кураш борасида ислоҳотлар муҳокама қилингани суд ислоҳотларига оид фикрларнинг узвий давоми бўлди. Айниқса, Президентимиз томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлигини ташкил этиш ҳақидаги фармон қабул қилингани муҳим қадамдир. Мазкур янги ташкилот коррупцияга қарши курашиш ишларининг ҳолатини таҳлил қилиб, ҳар йили Президент ва Олий Мажлис палаталарига миллий ҳисобот киритиб боради.

Президент маърузаси ўз йўлимиздан равон бориш учун янги режаларни тузишга имкон яратди. Энди бизни энг асосий иш — белгилаб олган мақсадларимизни дадиллик билан амалга ошириш кутмоқда.

Акром ШУКУРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг раиси:

— Президентимиз маърузасида кўрсатиб ўтган хато ва камчиликлар суд тизимида ҳақиқатан ҳам, мавжуд. Халқимиз суд тизимидан рози дейишга ҳали эрта.

Албатта, иш фаолиятимиздаги хато-камчиликларга танқидий кўз билан қараган ҳолда уларни таҳлил этаяпмиз. Бор имкониятларимиздан фойдаланиб, низоларни ўз вақтида ҳал этиш, одамлар розилигини олиш бўйича қилаётган ишларимиз йилдан-йилга яхшиланиб бораётган бўлса-да, лекин суд тизимини бугунги кун талаби даражасига олиб чиқишимиз лозим.

Жорий йилнинг ўтган беш ойида аҳолидан келиб тушган мурожаатларнинг 8 мингдан зиёди ёки 44 фоизида судларда ишлар тўлиқ ва холис кўрилмаётгани, узоқ муддат чўзилаётгани билдирилган. Бу, албатта, ачинарли ҳолат.

Шу сабабли нафақат судья, балки судда ишловчи ҳар бир ходим судга мурожаат этган фуқароларга тўғри ҳуқуқий тушунтиришлар бериши, хушмуомала муносабатда бўлиши шарт. Суд биносида мурожаат этувчилар учун яратилган шароитларни яхшилаш, фуқароларни тезкор қабул қилиш, суд тизимидаги очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, ўз устимизда ишлаб, тажриба ошириш, янги тайинланган судьяларни "устоз-шогирд" тизими бўйича ўргатиб бориш чораларини кўришимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Ушбу йиғилишга тайёргарлик асносида Парламент аъзолари энг чекка ҳудудларга бориб, аҳоли билан учрашдилар, уларнинг суд-ҳуқуқ масалалари юзасидан фикрлари олинди. Бу, албатта, аҳоли томонидан илиқ кутиб олинди ва уларда катта қизиқиш уйғотди.

Президентимиз томонидан бундан буён депутат ва сенаторлар ўзлари сайланган ҳудудларда судьялар корпуси, сектор раҳбарлари ва жамоатчиликни жалб қилган ҳолда одил судловга кўмаклашиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мунтазам равишда мулоқотлар ўтказиб туриши ҳақида кўрсатма берилди. Бундай ёндашувни жуда ҳам тўғри, деб биламан.

Шунингдек, судга бориш учун айрим туман ва шаҳарларимизда одамларга қулайлик яратиш зарурлиги масаласи ҳам асослидир. Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг энг қуйи поғонаси туманлараро шаклда, яъни битта суд бир неча туман аҳолиси учун хизмат кўрсатиб келаётган бўлиб, айрим ҳолларда бу аҳоли учун ортиқча оворагарчиликларни, ўз навбатида, уларнинг ҳақли норозилигини ҳам келтириб чиқармоқда.

Шу боис аҳоли сони ва ҳудуди, кўрилаётган ишлар тоифаси ва сонидан келиб чиққан ҳолда судларни ва уларнинг фаолиятини мақбуллаштириш вақти келди.

Давлатимиз раҳбари томонидан суд фаолиятида рақамли технологияларни кенг жорий этиш масаласига эътибор қаратилгани биз учун қувонарли, албатта. Бугунги кунда видеоконференция алоқа тизими билан жиҳозланган суд мажлиси заллари қисман мавжуд.

Бу замонавий тизим, биринчи навбатда, фуқароларга жуда ҳам катта қулайликлар яратиб, суд мажлисларини масофадан туриб ўтказиш имконини беради. Яъни иш бўйича тарафлар турли вилоятлардан туриб, суд мажлисида тўғридан-тўғри қатнашишлари мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда, судларни жорий йилда видеоконференция алоқа тизими билан 100 фоиз қамраб олиш белгиланди. Барча фуқаролар учун судларга электрон мурожаат қилиш, мурожаатлар ҳолатини онлайн тарзда кузатиш, тарафларга маълумотларни электрон шаклда юбориш имкониятининг яратилиши эса, судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлайди.

Судлар учун яратилаётган шароитлардан келиб чиққан ҳолда, биз, судьялар ўзимизга бўлган талабчанликни янада оширишимиз, қонун ва адолат фаолиятимиз қатъий мезони бўлиши шарт. Бунда, биринчи навбатда, судда кўрилган ишларни умумлаштириб, фуқаролар ўртасида кўпаяётган низоларнинг сабабларини бартараф этиш ва уларни судгача ҳал этиш чораларини кўришимиз талаб этилади.

Илгари низоларни судда қонуний ҳал этишга эътиборимизни қаратган бўлсак, энди эса, уларнинг барвақт олдини олишга эътибор беришимиз зарур. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси билан ҳамкорликда оилаларни яраштириш борасидаги ишларимизни янада жонлантиришимиз талаб этилади.

Аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, низоларнинг олдини олиш, ишларни ўз вақтида қонуний ҳал этиш, суд қарорларининг барқарорлигини таъминлаш, фуқароларнинг розилигига эришиб, уларнинг адолатли судга бўлган ишончини ошириш бугунги куннинг асосий талабидир.

Ҳусан ТУРСУНОВ,
Қарши туманлараро иқтисодий суди судьяси:

— Куни кеча Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигига эришиш, одил судловнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, янгича иш услубига эга, дунёқараши кенг судьялар корпусини шакллантириш йўлида амалга оширилган чинакамига халқчил ислоҳотлар ҳақида сўз юритилди. Соҳада ҳали ечимини кутаётган тизимли муаммолар танқидий-таҳлилий негизда кўриб чиқилди.

Фуқароларнинг судга бўлган ишончини қозонишда соҳа ходимлари олдида турган қатор вазифалар, йўл қўйилаётган ва халқимизни қийнаётган камчиликлар, жамоатчилик билан мулоқотда судлар зиммасидаги муҳим масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Бу масалаларнинг барчасини қисқа муддатларда тезкор ва тизимли ҳал этишга қаратилган "Йўл харита"си ҳам белгилаб берилди.

Мазкур йиғилишнинг яна бир эътиборли томони шундаки, давлатимиз раҳбари томонидан кўтарилган масалалар нафақат суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари доирасида муҳокама қилинди, балки Парламент аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вазирликлар, кенг жамоатчилик иштирокида очиқ ва шаффоф руҳда ўтган йиғилишда анчайин кескин муаммолар ечими бўйича аниқ амалий таклифлар билдирилди.

Йиғилишда айтилган фикрларни Президентимиз томонидан биз, судьяларга билдирилган навбатдаги юксак ишонч, имконият, қолаверса, келгусида фаолиятимиз учун ўзига хос дастуриламал мурожаат сифатида қабул қилдим.

Президентимиз илгари сурган **"Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак"** деган хаётий тамойил, ҳақиқатан ҳам, бизни кабинетдан пастга тушириб, одамлар билан қандай мулоқот олиб бориш лозимлигига ўргатди. Жойларда сайёр қабулларни, сайёр суд мажлисларини қандай ташкил этиш, фуқаролар, тадбиркорлар билан қандай муомалада бўлишни очиқлаб берди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини энг олий қадриятга айлантириш, адолатли суд ҳокимиятини барпо этиш йўлида катта қадамлар қўйилди. Аммо чиндан ҳам, ҳали фуқароларнинг суд идораларидан рози бўлишига эришиш, суд мажлисларини ошкора ва шаффоф тарзда ўтказиш, журналистлар билан чўчимасдан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш борасида талай муаммолар бор.

Жамиятимизда одил судловга бўлган ишонч ва адолат ҳиссини мустаҳкамлаш, очиқликни таъминлаш, суд органлари ҳаракатларидан норози бўлиб ёзилаётган мурожаатларни камайтириш учун нималарга эътибор беришимиз керак?

Албатта, кимдир ва қайсидир томон судда ютқазиши аниқ. Шунга қарамасдан, биз ҳақ тарафнинг нима сабабдан ҳақлигини, ноҳақ томоннинг эса, нима учун ноҳақлигини аниқ далиллар билан эринмасдан обдан тушунтириб беришимиз керак.

Тўғриси, бугун судлар томонидан маҳаллий Кенгашлар олдида берилаётган ҳисоботларда натижадорлик эмас, аксинча, "расмиятчилик" кўпроқ кўринаётганга ўхшайди. Судлар у ёки бу йўналиш бўйича ҳисобот тақдим этдими, депутатларимиз қатъий туриб муҳокама қилишлари, қайси маҳаллада ажралиш ёки ҳуқуқбузарликлар кўплиги сабабларини ўрганиб, манзилли сайёр юришларни ташкил этишлари лозим бўлади.

Хайруллохон КАМОЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Бекобод тумани судининг раиси:

— Президентимиз раислигида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида асосли, очиқ ва аччиқ танқидий фикрлар билдирилди. Шу билан бирга, узоқ йиллардан буён ўз ечимини кутаётган муаммоларнинг ҳал этиш йўлларини излаш борасида ўзига хос амалий мулоқот бўлиб ўтди.

Муҳокамага қўйилган масалаларга мутлақо янгича муносабат яққол сезилиб турди. Теран таҳлилий ёндашув ва билдирилган кўпдан-кўп амалий таклифлар йиғилишга ўзгача шукуҳ бағишлади, дейиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кун тартибидаги ҳар иккала масала, яъни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш вазифалари бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Бугунги воқелигимизда уларнинг аҳамияти ўта муҳим.

Мамлакатимизда кейинги йилларда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ижобий натижа бериши айнан шу омилларга бориб тақалади. Бу эса, одил судловни таъминлашга бевосита масъул бўлган судьялар ва ҳуқуқ-тартибот ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди.

Шу ўринда мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборига соя ташлайдиган, фуқароларда ислоҳотлар натижасига ишончни йўқотадиган ва жамиятдаги барқарорликка путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий ҳолатларга судьялар ўзларининг принципиал муносабатини билдириши лозим. Бинобарин, биз инсон ҳуқуқлари поймол этилишининг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлишимиз шарт.

Яна бир диққатга молик масала: давлатимиз раҳбари ҳозирги кундаги тергов ишларининг сифати ва ходимлар малакаси талабга жавоб бермаслигини таъкидлаш орқали кўпчиликни анчадан буён ўйлантириб келаётган муаммони рўй-рост очиб берди. Саъй-ҳаракатларимизга қарамасдан, фуқароларимизнинг тергов идораларидан норозилик даражаси юқорилигича қолаётгани, мурожаатларнинг салмоқли қисми шу хусусда экани аён ҳақиқат.

Шу боис бир қатор мутасадди идораларга Тергов институтини ташкил этиш, терговчилик касбини эгаллашга мутлақо янги талабларни ишлаб чиқиш, соҳага илғор тажриба ва стандартларни жорий этиш вазифалари юкланди. Бу янги ташаббусни кўпчилик мамнуният билан қабул қилмоқда ва халқимиз бундан катта ўзгаришлар кутмоқда.

Шунингдек, судьяларнинг айрим фаолиятига танқидий баҳо берилиб, баъзи судьялар тергов материалларига боғланиб қолгани, бу эса, қонун, суд ва давлат обрўсига путур етказиши қайд этилди. Одил судлов халқнинг кўз ўнгида, очиқ-ошкора амалга оширилиб, адолат қарор топиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Хусусий мулк қонун ва суднинг кафолатли ҳимоясида бўлиши, ерга бўлган ҳуқуқлар кафолати кучайтирилиб, мулкий ҳуқуқларни бекор қилиш фақат суд тартибида ҳал этилишини қатъий белгилаш ҳам жамиятимизнинг бугунги воқелигидан келиб чиқиб, халқимизнинг хоҳиш-иродасига монанд зарурат эканлиги яққол кўриниб турибди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, сармоя киритаётган инвестор, биринчи навбатда, ўз ҳуқуқлари суд орқали кафолатли ҳимоя қилинишига эътибор беради. Суд фаолиятига аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, **"Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак. Бу Президент талаби!"** дея таъкидлар экан, давлатимиз раҳбари олдимизга аниқ, қатъий ва ҳаққоний талабларни қўйди. Биз, судьялар учун ушбу талаб муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Давра суҳбатини Ғулом МИРЗО ва Бобомурод РАЙИМОВ тайёрлади.

Оқлов

Эгилган ҳақиқат қаддини тиклади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шунингдек, 2011 йил 3 февраль куни унинг моддий жавобгарлигида бўлган товар-моддий бойликлар йўқламадан ўтказилганда 10 дона 160.000 сўмлик кастрюлка, 2 дона 24.000 сўмлик катта тоғора, 7 дона 140.000 сўмлик кўрпача, 17 дона 340.000 сўмлик матрас, 50 дона 60.000 сўмлик тоғора, 3 дона 48.000 сўмлик челак, 1 дона 5000 сўмлик чўмич ва 1 дона 624.000 сўмлик электр иситгич, жами 839.400 сўмлик камомад мавжудлиги аниқланиб, ўзига ишониб топширилган шунча миқдордаги мулкларни ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилган. Бинобарин, суд Р.Тожибоевни юқоридаги модда билан айбдор деб топиб, унга 1 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳамда иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаган. Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 7 июндаги ажримига мувофиқ ҳукм ўзгаришсиз қолдирилади.

— Мен айблов хулосаси ва суд ҳукмида эълон қилинган жиноятни содир этмаганман. Шунинг учун тегишли далилларни тақдим этган ҳолда ҳимоячим ёрдами билан Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилдим. Натижада Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2020 йил 2 март куни апелляция инстанциясининг 2011 йил 7 июндаги ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун шу инстанцияга юборди, — дейди Рустамжон Тожибоев.

Дарҳақиқат, ушбу жиноят ишини кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг апелляция суди мажлисида Р.Тожибоев ноҳақ судланганлиги аён бўлди. Гап шундаки, марказнинг моддий жавобгар инспектори Ғайратжон Умаров бошқа ишга ўтаётганда Р.Тожибоев марказ ихтиёрида бўлган товар-моддий бойликларини 2010 йил 14 июлдаги топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан қабул қилиб олган. 2011 йил февраль ойида марказнинг асосий воситалар рўйхатида бўлмаган 24 дона панжаралар қўшни ҳовлида яшовчи фуқаро Собиржон Маматов хонадонидан ашёвий далил тариқасида олинганда эса, юқоридаги далолатнома асосида қабул қилиб олинган товар-моддий бойликлар йўқламадан ўтказилган. Оқибатда суд ҳукмида баён этилган камомад аниқланиб, жиноят иши қўзғатилган.

Буни қарангки, гарчи Р.Тожибоев марказ ихтиёридаги товар-моддий бойликларни қабул қилиб олган бўлса-да, лекин бошқарма томонидан унга моддий жавобгарликни юклаш ҳақида буйруқ чиқарилмаган ва шартнома тузилмаган. Яъни у тилга олинган асосий воситалар учун моддий жавобгар бўлмаган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги "Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори 2-бандида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасига мувофиқ корхона, муассаса, ташкилотларнинг мулкини ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз баравариг ача миқдорда талон-торож қилиш маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил этиши, бундай ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда ҳам, агар талон-торож миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз баравaридан ошмаса, маъмурий жавобгарлик келиб чиқиши, талон-торож миқдори ҳуқуқбузарлик содир этилган кунда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб белгиланиши ҳақида тушунтириш берилган. Аммо Р.Тожибоев талон-торож қилгани таъкидланган 1.077.943 сўм энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз баравариг а етмайди. Негаки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 ноябрдаги Фармонига кўра, 2010 йил 1 декабридан бошлаб энг кам ойлик иш ҳақи миқдори 49.735 сўм этиб белгиланганини назарда тутсак, 2010 йил декабрь ва 2011 йил февраль ойида энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз баравари 1.492.050 сўмни ташкил этган.

Жиноят кодексининг 9-моддасида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши, Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддасида эса, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбдор эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги белгиланган. Ана шу асосларга таянган жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанцияси ўзининг 2020 йил 2 июндаги ажрими билан Рустамжон Тожибоевни айбсиз деб топиб, оқлади.

Шу тариқа 9 йилдан сўнг адолат қарор топиб, ноҳақ судланган Р.Тожибоевнининг юзи ёруғ бўлди. Бу ҳам бўлса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кечаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ёрқин ифодасидир.

Турғунали МИРЗАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг судьяси
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Глобал муаммо

Коррупция

унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолияти мувофиқлаштирилади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур давлатлар ҳукуматлари коррупцияни нафақат ички ва ташқи муаммо, балки миллий хавфсизликка жиддий хавф сифатида баҳолайди. Унга қарши курашиш тизими ҳал қилувчи жараёнли ва институционал чора-тадбирларга асосланган. Хусусан, Нидерландияда коррупцияга қарши курашиш борасида давлат хавфсизлиги тизими, яъни коррупцияга қарши курашиш борасида махсус полиция ташкил қилинган. Унга коррупция ҳолатларини аниқлаш борасида барча зарур ваколатлар берилган.

Шунингдек, экспертлар томонидан намуна сифатида тан олинган Жанубий Кореянинг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунига кўра, мамалакатда коррупцияга қарши курашишда ваколатли давлат органи сифатида Аудит ва инспекция қўмитаси белгиланган. Мазкур орган коррупция ҳолати бўйича келиб тушган ҳар қандай мурожаат юзасидан тергов ҳаракатларини амалга ошириши мажбурийдир.

Сингапур давлатининг тажрибаси ўзига хос ютуқлари билан айниқса, ажралиб туради. Яъни коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг асосий ғояси — коррупция келиб чиқиши учун имкон берадиган омил ва сабабларни минималлаштиришга йўналтирилган.

Бу борада коррупцияга қарши курашиш бир қатор тамойилларга асосланган. Хусусан:

- давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлашда хусусий секторда фаол ишлайдиган ходимлар иш ҳақига тенглаштирилган формулага асосланиш;

- давлат органлари мансабдор шахсларининг мулки, активлари ва қарзлари ҳақидаги йиллик ҳисоботларини назорат қилиш;

- юқори турувчи мансабдор шахсларга нисбатан коррупцияга оид ишларда қатъий талаблар ҳамда иқтисодиёт ривожланиши учун ғов бўладиган ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш ана шундай тамойиллар сирасига киради.

Мамлакатимизда ҳам коррупцияга қарши курашиш масаласига сўнгги йилларда энг муҳим устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Бу борада бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилди. Бу ўз навбатида, коррупцияга қарши курашнинг миллий ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди.

Энг муҳими, 2017 йилда **"Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"**ги қонун қабул қилинди. Натижада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши куч ва имкониятларини бирлаштириб, яхлит тизим яратиш имконияти туғилди.

Бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган дунёда янгидан-янги ўзгаришлар рўй бериб, жамият аъзолари бўлмиш фуқаролар билан давлат органлари ўртасидаги муносабатлар шакли ва сони муттасил ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, коррупцияга қарши курашиш борасида ҳам янгича механизмларга асосланган тизимни жорий қилиш тақозо этилмоқда.

Бундан ташқари амалдаги қонунчиликка асосан, бир нечта давлат органлари коррупцияга қарши курашиш фаолиятини амалга ошириш учун масъул бўлган. Коррупцияга қарши курашиш улар фаолиятининг йўналишларидан бири ҳисобланган.

Содда қилиб айтганда, мазкур йўналишни яхлит, тизимли мувофиқлаштириш ваколатли муайян бир давлат органи зиммасига юкланмаганди. Оқибатда коррупцияга қарши курашишни тўлиқ ўз зиммасига оладиган ва бу борадаги давлат сиёсатининг амалга оширилишига масъул бўлган ягона давлат органи ҳалигача йўқ эди.

Куни кеча давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган **"Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармон билан ана шу бўшлиқ бартараф этилди. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш борасида муҳим ҳуқуқий қадам бўлганини алоҳида қайд этиш лозим.

Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил қилинди. Агентлик юртимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантирувчи ва бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштирувчи, шунингдек, мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланди.

Янги тузилма эндиликда соҳада мавжуд муаммоларни бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашишнинг ягона тизимга солиниши учун хизмат қилади. Агентлик юртимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мамлакат имижини мустаҳкамлаш ва унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш бўйича тизимли чораларни ҳам амалга оширади.

Шу билан бирга, Агентлик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг коррупцияга қарши курашишга масъул қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг тегишли қўмитаси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг масъул комиссиялари билан ҳамкорлик қилади.

Бу ўз навбатида, Агентлик зиммасига юклатилган вазифларни руёбга чиқаришда халқ вакиллари билан ўзаро узвий алоқада бўлишини таъминлайди. Шу билан бирга, бундай ҳамкорлик коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган давлат сиёсатини амалга ошириш борасида давлат ҳокимияти вакиллик органларининг роли ҳам кучайишига олиб келади.

Бундай ҳамкорлик, шунингдек, жойлардаги коррупциоген вазиятни тўғри баҳолаш имкониятини оширади. Коррупцияга қарши курашишга қаратилган дастурларнинг ишлаб чиқилишида депутатлик корпуси билан ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу ҳужжатнинг ҳаётимизга кенг татбиқ этилиши мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишда муҳим омил бўлади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси

Жиноятга жазо муқаррар

ёки жамоатчи — иш ўрганувчининг "қовун туширгани" ҳақида

Ўша куни Рашид (исм-шарифлар ўзгартирилди) Самарқанд шаҳрига кетганди. Айни тушлик пайти кутилмаганда унга қўнғироқ бўлди.

— Мен туман кадастр бўлимидан, Соҳибжонман, — дея ўзини таништирди қўнғироқ қилувчи. — Сиз ишхонамизга бир келишингиз керак, дўконингиз ҳақида гаплашиб оламиз.

Рашид Хўжамқулов ҳозир Самарқанд шаҳрида экани, эртага албатта, боришга ваъда берди.

Ҳалиги қўнғироқ қилувчи дўконни тилга олгани бежизга эмас эди. Чунки Р.Хўжамқулов 2014 йилда ўзлари яшаётган маҳалладаги мактаб майдонидан ижарага ер олиб, дўкон қурган, якка тартибдаги тадбиркор сифатида савдо фаолияти билан шуғулланиб келаётганди.

Қўнғироқ қилишидан бир соатча аввал Соҳибжон унинг дўконига келганди. Рашиднинг турмуш ўртоғи М.Шукуржонованинг савдо-сотиқ билан шуғулланаётганини кўриб, унга ишхонасидан нотураржой бинолари бўйича оғзаки топшириқ берилганини айтган, дўконнинг эни ва бўйи ўлчамларини олганди. Шундан сўнг М.Шукуржонова Соҳибжонни Р.Хўжамқулов билан телефонда гаплаштирганди.

— Сизнинг дўконингиз мактаб ҳудудида жойлашган, — деди С.Холманов идорада учрашганларида. — У ноқонуний қурилган нотураржой ҳисобланади, кадастр ҳужжатингиз ҳам йўқ. Бизларга ноқонуний қурилган биноларни суратга тушириб келиш бўйича топшириқ берилган.

Рашид Хўжамқулов унинг сўзларини эшитиб туриб, энди буёғи нима бўлади, деган хавотирда кадастр идораси ходимига қаради.

— Дўконингизни ҳужжатлаштириб, судга тақдим этамиз. Суд энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш баравaридан йигирма баравaригача миқдорда жарима солади.

Жариманинг дарагини эшитган Р.Хўжамқулов кутилмаган харажатга дуч бўлаётганини англаб, ўйланиб қолди. Сўнг "судга ўтказмасликнинг иложи борми?" — деб сўради.

Афтидан, Соҳибжон шундай саволни кутиб турган эканми, бирдан жавоб берди. — Бор, — деди у. — 200 АҚШ доллари берсангиз, мен уни бошлиғимга бераман, дўконингиз бузилмайди, жаримага ҳам тортилмайсиз.

— Розиман, — ўрнидан тура солиб хайрлашиш учун қўл чўзди Р.Хўжамқулов. — Эртага тушликка қадар айтганингизни олиб келаман.

Лекин эртаси куни Р.Хўжамқулов негадир тушликка қадар келмади. Йўл қараган С.Холманов бу орада пулни тезроқ етказишни сўраб, Р.Хўжамқуловга бир неча маротаба қўнғироқ қилди.

Аслини олганда, Р.Хўжамқулов С.Холманов билан ўрталарида бўлиб ўтган суҳбатни телефонига ёзиб олган, тамагир ходимнинг хонасидан чиққач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора томон йўл олганди.

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш Департаменти Нарпай туман бўлимида Р.Хўжамқуловга берган аризасига асосан холислар иштирокида овоз ёзиш мосламаси ва кимёвий ишлов берилган 200 АҚШ доллари баённома расмийлаштирилиб, тақдим этилди. Шундан сўнг Р.Хўжамқулов С.Холмановга қўнғироқ қилди. Улар туманнинг Ноғорахона маҳалласи ҳудудидаги "Орзигул" савдо дўкони олдида учрашишга келишишди.

Хуллас, келишилган жойда С.Холманов жабрланувчидан дўкон ҳужжатларини судга юбормаслик ва бинони бузмаслик эвазига туман ер тузиш ва кадастр бўлими бошлиғига беришни айтиб, 200 АҚШ доллари олган чоғида тезкор тадбир иштирокчилари томонидан ашёвий далиллар билан ушланди.

Судланувчи С.Холманов эндигина йигирма уч ёшни қаршилаган, оилали, муқаддам судланмаган, маълумоти ўрта махсус. У ўтган йилнинг декабрь ойида туман ер тузиш ва кадастр бўлимига иш сўраб борган. Шунда унга мутасаддилар "ҳозирча иш ўрганиб туринг, эплаб кетсангиз қабул қиламиз" дейишган. Шу тариқа С.Холманов жамоатчи — иш ўрганувчи сифатида бор-йўғи бир ярим ой ишлаган, холос. Кейин эса, гувоҳи бўлганингиздек, "қовун туширган".

С.Холманов Р.Хўжамқуловдан алдов йўли билан олган 200 АҚШ долларини бирон-бир мансабдор шахсга бериш нияти бўлмаган. Бу маблағни ўз эҳтиёжлари учун ишлатишни кўзлаган. Туман ер тузиш ва кадастр бўлими бошлиғи ҳам С.Холмановнинг куракда турмайдиган кирдикоридан у кўлга тушиб, қилмиши фош этилган-дан сўнг хабар топди.

Шу ўринда Олий суд Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 22-банди мазмунига эътибор қаратиш зарур. Чунки ушбу бандда "Мансабдор шахс томонидан у мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли аслида амалга ошира олмайдиган муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун пул, қимматли қоғоз ва бошқа моддий қимматликлар олиниши, унда мазкур қимматликларни эгаллашга нисбатан қасд мавжуд бўлган тақдирда, фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим. Агар қимматликларни эгаллаш мақсадида уларнинг эгаси айбдор томонидан пора беришга далолат этилган бўлса, унинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолат этиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозим" деб кўрсатилган.

Судда аниқланган ҳолатлар ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Суд С.Холмановни фирибгарликка суиқасд, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиб, пора бериш, мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб, бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, воситачи орқали мансабдор шахсга моддий қимматликлар беришда далолатчилик қилиб, Р.Хўжамқуловни пора беришга қизиқтиришда ифодаланган ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 25, 168-моддаси 1-қисми ва 28, 211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган, деб топди.

Суд С.Холмановга нисбатан Жиноят кодексининг 45-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо тайинлаш керак, деган тўхтамга келди.

Судланувчи С.Холманов Жиноят кодексининг 25, 168-моддаси 1-қисми ва 28, 211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбдор деб топилди. Унга нисбатан Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан бир йил мансабдорлик лавозимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш йўли билан икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Шунингдек, С.Холмановга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари — 11 миллион 150 минг сўм жарима жазоси ҳам тайинланди.

Ёшлар — келажагимиз, эртанги кунимизнинг давомчилари. Мамлакатимизда бутун эътибор уларни ҳалол, пок, ростгўй ва ўзгалар ҳақига хиёнат қилмаслик руҳида тарбиялашга қаратилган. Тўғри, ҳар жиҳатдан ҳавас қилишга лойиқ, ҳалол меҳнат ортидан яшашни ўзига доимий одатга айлантираётган ёшлар юртимизнинг барча гўшаларида минг-минглаб топилади. Лекин нафс қутқусига учадиган, қай йўл билан бўлса-да, бойлик орттириш илинжидаги ёшларнинг борлиги ҳам ачинарли, ҳам афсусланарли.

Албатта, хулосани муштарийларнинг ўзлари чиқаргани маъқул. Бироқ ҳали тайинли иш бошламай туриб, тамагарликдан ўзини тийиб туролмаган ходим учун бу катта ҳаётий сабоқ бўлгандир. Ҳамма гап шунда. Айниқса, унга ўхшаб калта ўйлайдиганлар кўзларини каттароқ очиб, узоқни кўзласалар, айни муддао бўларди.

Наби РАЙИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Нуробод тумани судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Икрам МУСЛИМОВ, Замира ЭСОНОВА, Холмўмин ЁДГОРОВ, Олим ҲАЙИТОВ, Бахтиёр ИСАКОВ, Азиз МИРЗАЕВ, Светлана АРТИКОВА, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-723. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8283
1 2 3 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 1⁰⁰.